БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9- ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 18 (2051).

26 ЯНВАРЬ ЖУМА 1962 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

КЕЧА ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИНИНГ III СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ.

Бугун съезд ўз ишини давом эттиради.

ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИНИНГ III СЪЕЗДИ

СЪЕЗД КУНДАЛИГИ

Асрлар ва минг йиллар ўтар, аммо коммунизм қуришдан иборат олижаноб бурчни ўз зиммасига олган замондошларимиз — оддий совет кишиларининг сўнмас зафарларини инсоният ҳеч қачон унутмайди. Халқ билан чамбарчас боғланган партия ажойиб революцион традициялар руҳида тарбиялаган совет интеллигенциясининг шонли армияси порлоқ истиқбол ижодкорларининг ягона сафида муносиб ўрин эгаллайди. КПСС XXII съезднинг тарихий қарорлари ана шу истиқболнинг реал манзарасини белгилаб берди.

Коммунистик партия совет интеллигенциясининг ҳамма ишларда, Ватанимиз меҳнаткашларининг барча мислсиз зафарларида кўриниб турган фидокорона меҳнати ва ижодига юксак баҳо бермоқда. Совет интеллигенциясининг ҳамма, социалистик маданиятнинг гўзтовсиз юксалишида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Совет фани ва техникасининг Юрий Гагарин ва Герман Титовнинг қаҳрамонона космик учишларида мужассамланган ютуқлари инсон тафаккурининг чўққиси бўлди. Инсон ҳақида, унинг маънавий ва жисмоний кучларини тинмай ривожлантириш тўғрисида чуқур ғамхўрлик билан суғорилган совет адабиёти ва санъати, совет маорифи ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар ҳамманинг эътибори ва ҳурматига сазовор бўлди.

Кўп миллатли совет интеллигенциясининг меҳнати ва ижодига унинг илғор отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон интеллигенцияси салмоқдор ҳисса қўшмоқда. Улуғ Октябрь партиямизнинг доно ленинча миллий сиёсати республика меҳнаткашларини бахт-саодат ва тараққиётнинг кенг йўлига олиб чиқди, уларда талант ва ижодий активликнинг битмас-туганмас манбаларини уйғотди. Ўзбекистон интеллигенцияси ўзининг бутун қобилиятини, бутун кучини коммунистик қурилиш программасини тезроқ амалга ошириш учун, экономика ва маданиятимизнинг янада равнақ топиши учун умумхалқ курашига бағишламоқда.

Ўзбекистон интеллигенцияси энг яхши намояндаларини ўзининг III съездига юборди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари М. Абдураззоқов, Г. А. Габриельянц, М. М. Мусахонов, Г. Ф. Наймушин, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, И. И. Федюнинский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидатлар Н. В. Мартинов, Қ. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажёсткин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, министрлар, таниқли олимлар, адабиёт ва санъат, соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг новаторлари, коммунистик меҳнат ҳаракатининг қатнашчилари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, республика ижодий союзларининг вакиллари бор.

Президиум столи ёнида машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпко, Қўқон суперфосфат заводи коммунистик меҳнат цехининг бошлиғи М. Ашурбоев, Ангор районидаги Карл Маркс номли колхознинг бош агрономи Р. Очилдиев, Ленин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг бригада бошлиғи М. Жалолов, пахта териш машиналари конструктори А. Н. Приходько, Самарқанддаги 8-мактаб ўқитувчиси Е. В. Захарова, Қўшкўпир касалхонасининг бош врачи М. Г. Павленко, Чирчиқдаги кутубхона ходими Б. А. Простакова ва республиканинг бошқа донгдор кишилари ўтирибдилар.

Президиум аъзолари орасида КПСС Марказий Комитетининг инструктори Ф. И. Пузирев, «Литературная газета»нинг бош редактори В. А. Косолапов, СССР Ёзувчилар союзининг секретари З. Б. Межелайтис, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий академиги С. П. Толстов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги дин ишлари кенгашининг раиси А. Н. Пузин, кинорежиссёр Р. Г. Григорьев, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг аъзоси А. А. Еремин, РСФСР Композиторлар союзининг секретари В. Г. Фере, РСФСР Педагогика фанлари академияси президиумининг аъзоси В. В. Решетовлар бор.

Содиқ ленинчи, тинчлик ва халқларнинг бахт-саодати учун толмас курашчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиуми узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Съезднинг мандат ва редакцион комиссиялари ҳамда секретариати сайланади. Съезднинг кун тартиби ва иш регламенти бир овоздан тасдиқланади. Кун тартибида КПСС XXII съезднинг тарихий қарорлари ва Ўзбекистон интеллигенциясининг вазифалари, деган масала турибди.

Раислик қилувчи — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидовга** сўз беради. (Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг доклади газетамизнинг бугунги сонида босилаётир).

Ш. Р. Рашидовнинг доклади юзасидан музокаралар бошланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. А. Габриельянц раислигида ўтган иккинчи мажлисда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биринчи вице-президенти С. В. Стародубцев, Ўзбекистон Театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти О. Хўжаев, Ленин номидаги Бекобод металлургия заводининг бош инженери А. Г. Саленек, Фарғона область партия комитетининг секретари Ш. З. Саломова, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг аъзоси А. А. Еремин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев, Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ректори О. С. Содиқов, Ҳарбий Кенгаш аъзоси, Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи Н. С. Демин, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Н. Маҳмудовлар сўзга чиқди.

Съезд қатнашчиларини пионерлар қизғин табрикладилар. Улар Ўзбекистоннинг шонли интеллигенциясига порлоқ истиқбол йўлидаги ижодий яратувчилик меҳнатида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Съезд делегатлари учун республика санъат усталари иштирокида катта концерт қўйиб берилди.

Ўзбекистон интеллигенциясининг III съезди бугун ўз ишини давом эттиради. (ЎзТАГ).

КПСС XXII СЪЕЗДИНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди ўз ишини тамомлаганидан буён қарийб уч ой ўтди, — дейди ўртоқ Рашидов. — Биз бу буюк воқеадан қанча узоқлашганимиз сари унинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти шунча тўлароқ очилиб бормоқда.

Шонли ленинчи партиямизнинг ҳар бир съезди унинг тарихининг, унинг улуғ революцион, ўзгартирувчи фаолиятининг акс эттиради. XXII съезд Коммунистик партиянинг қаҳрамонона йилномасида, совет жамияти тараққиётида алоҳида ўринни эгаллаш шарафига лойиқдир. Йиллар ва ўн йиллар ўтади, лекин миннатдор инсоният 1961 йилнинг кузида бўлиб ўтган тўлқинлантирувчи кунларни. Кремлнинг улуғвор Съездлар Саройида ер юзида халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Эркинлик, Тенглик, Биродарлик ва Бахт-саодат ўрнатиб берадиган коммунистик жамият қуришнинг дадил плани чизиб берилган кунларни ҳеч қачон унутмайди.

КПСС XX съездидан кейин ўтган давр партия ва мамлакат ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йиллар ичида Совет Ватани социал, иқтисодий, техника, илмий ва маданий соҳаларда янгидан жуда ҳам юксакликка кўтарилди.

Совет мамлакатининг, унинг барча республикаларининг эришган ютуқлари — аввало шонли ишчилар синфимизнинг, колхозчи деҳқонларимизнинг, халқ интеллигенциямизнинг фидокорона, қаҳрамонона меҳнати натижасидир. Коммунистик партия доно раҳбарлигининг, мустаҳкам ленинчи, тинчлик учун ва халқ бахт-саодати учун оташин курашчи ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетнинг жуда зўр фаолияти натижасидир.

КПСС XXII съезди XX съезднинг йўли, партия ва давлат ҳаётининг ленинча нормаларини тиклаш ва янада ривожлантиришга, партиянинг раҳбарлик ролини оширишга, халқ оммасининг ижодий активлигини кўтаришга қаратилган йўли бирдан-бир тўғри йўл эканлигини жуда яққол тасдиқлаб берди.

Эскирган, умри тугаган ҳамма нарсага қарши олиб борилган қаттиқ кураш, Сталин шахсига сиғиниши қатъий қоралаш ва унинг оқибатларини тугатиш йўлида олиб борилган катта иш натижасида, Молотов, Каганович, Маленков ва бошқаларнинг манфур фракцион антипартиявий группасининг тор-мор келтирилиши натижасида XX съезднинг ленинчи йўли тантана қилди.

XXII съездда делегатларнинг нутқларида Сталин шахсига сиғиниш даврида, Молотов, Каганович, Маленковнинг бевосита ва актив иштироки билан жуда кўплаб қонунсиз репрессиялар қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилди. Қонунсиз репрессия қилинган кишилар орасида бизнинг республикамизнинг ҳам кўпгина партия, совет ходимлари, ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, олимлари, ҳарбий мутахассислари бор эди.

Шахсга сиғиниш даврида туҳматчилар, мансабпарастлар ва демагоглар учун қулай шароит туғдирилганлигини ҳам айтиб ўтмасдан бўлмайди. Уларнинг қўли кишиларнинг қонига бўялгандир. Улар ифлос маълумотлар берганлар, софдил кишиларга туҳмат қилганлар, уларни асоссиз равишда оғир жиноятлар қилишда айблаганлар ва шу билан интеллигенция орасида ишончсизлик ҳиссини туғдирганлар.

Ҳеч қандай айби бўлмай, шахсга сиғиниш даврида репрессия қилинган кишилар ҳозирги вақтда оқланди, лекин уларнинг кўплари ҳалок бўлгандан кейин оқланди.

Шахсга сиғиниш даврида йўл қўйилган хатолар ва бузилишларнинг партия XX ва XXII съездларида ҳар томонлама, принципиал танқид қилинганлиги шахсга сиғиниш бизнинг марксчи-ленинчи партиямизга, социалистик жамият габитига ҳаётимизнинг бутун тузумига тубдан ёт эканлигини яққол кўрсатиб берди.

Марксизм-ленинизм шахсга сиғинишни қаттиқ қоралар экан, лекин атоқли ташкилотчиларнинг ва партия ва халқ раҳбарларининг ролини асло инкор қилмайди. Раҳбарларнинг обрў-эътиборини шахсга сиғиниш билан аралаштириб юбориш нотўғри ва зарарли бўлур эди.

Владимир Ильич Ленин бундай деб ёзган эди: «Марксистлар «ҳеч қандай обрўлар керак эмас» деган, гўё революцион, мавҳум фикрдаги интеллигент-радикалнинг одатдаги нуқтаи назарида туришлари мумкин эмас.

Йўқ. Бутун дунёда тўла озодлик учун оғир ва шиддатли кураш олиб бораётган ишчилар сиёсатига обрўлар керак...»

Шахсга сиғинишнинг яна пайдо бўлишига имкон бермаслик учун партия ҳамма чораларни кўрмоқда. Шу билан бирга партия халқ партиясига айланган, ўзининг бутун кучини ва билимини, ўзининг бутун тажрибасини халққа, коммунизм қурилишининг буюк ишига бераётган раҳбарларнинг обрў-эътиборини сақлаб келди ва бундан буён ҳам сақлайди.

«Биз партия ва халқ таниган раҳбарларнинг обрў-эътиборини сақламоғимиз лозим, — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев XXII съездда. — Лекин ҳар бир раҳбар масаласининг бошқа томонини ҳам тушунмоғи лозим — у ўз мавқеи билан ҳеч қачон гердаймаслиги керак, у бирон лавозимни эгаллаб турган киши фақат партиянинг, халқнинг иродасини бажараётганлигини, партия ва халқ унга қанчалик катта ҳокимият берган бўлсалар ҳам, лекин унинг устидан контролни асло бўшаштирмасликларни ёдда тутиши керак».

Шахсга сиғиниш ва раҳбарларнинг обрў-эътибори масаласини марксча-ленинча тушуниш ана шундай.

КПСС XXII съездини тўла ҳуқуқ билан партиямизнинг монолит бирлиги съезди деб аташ мумкин. Бу съезд барча марксчи-ленинчи партияларнинг яқдиллигини ва жипслашганлигини, халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатининг кучли суратда юксалганлигини, миллий озодлик ҳаракатининг шиддат билан ўсаётганлигини, барча мамлакатлардаги коммунистларнинг пролетар интернационализми принципларига астойдил содиқлигини яққол намойиш қилиб кўрсатди.

Барча марксчи-ленинчи партиялар Албания раҳбарларининг игвогарлик ҳаракатларини қатъий суратда қораламоқдалар. Албания раҳбарлари бизнинг ленинчи партиямизга қарши тобора жон-жаҳдлари билан туҳмат қилиб чиқмоқдалар, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигига қарши ва унинг ҳозирги замоннинг туб масалалари юзасидан ўзаро келишиб тутган йўлига қарши тобора очиқдан-очиқ ҳаракат қилмоқдалар.

Биз, совет кишилари, албан халқига нисбатан ҳамиша самимий ва дўстона муносабатда бўлиб келдик ва шундай муносабатда бўлмоқдамиз. Лекин, бу халқнинг ўз раҳбарларининг тутган ҳозирги авантюристик йўли учун тортаётган азобига юрагимиз ачишмоқда ва бунинг учун хафа бўлмоқдамиз. Шундай бир вақт келадики, у вақтда Албания раҳбарлари Албанияда социализм қуриш ишига келтирган зарарлари учун ўз халқи олдида жавоб беради, бунга шак-шубҳа йўқ.

КПСС XXII съезднинг ғоят катта аҳамияти, — дейди сўнгра докладчи, — аввало шундан иборатки, бу съезд партиянинг янги, учинчи Программасини қабул қилди, бу Программани халқимиз, барча қардош марксчи-ленинчи партиялар, ер юзидаги барча меҳнаткашлар ҳаққоний равишда XX асрнинг Коммунистик Манифести деб атадилар.

Партиянинг янги Программаси билан танишганингда, ўзингни худди жуда баланд тоғ чўққисига чиқиб, у ердан кенг уфқларга, кўз илғамас узоқларга қараётгандек кишидек ҳис қиласан. Буюк мақсад — коммунизмнинг порлоқ дунёси бизнинг олдимизда марксизм-ленинизмнинг сўнмас ғоялари қуёши билан ёритилиб турибди.

КПСС янги Программасини бажариш жараёнида партиямиз, совет халқи олдида уч вазифани ҳал қилиш масаласи турибди:

— **иқтисодий соҳада** — коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш;

— **социал-сиёсий соҳада** — коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш;

— **идеология соҳасида** — янги киши, коммунистик жамият кишисини тарбиялаш.

Бу бир-бирига боғлиқ бўлган вазифаларни партия диалектик бирликда олиб қарайди.

Ўн миллионлик армиядан иборат коммунистлар, бутун совет ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар интеллигенция партия XXII съезди қарорларини, у қабул қилган КПССнинг янги Программасини ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар ва улар бу қарорларда ва Программада белгиланган буюк режаларни амалга ошириш учун бутун куч-қувватларини, бутун ижодий ғайратларини, бутун онг-билимларини беришга тайёрдирлар.

Никита Сергеевич Хрушчевнинг: «Ишга, ўртоқлар! Коммунизмнинг янги ғалабалари учун!» деган оташин чақириғини совет кишилари жон-диллари билан маъқуллаб кутиб олдилар. Партия ва халқ бирлиги — коммунистик қурилишда бизнинг янгидан-янги ғалабаларга эришишимизнинг чинакам гаровидир.

Партия XXII съезди илгари сурган вазифаларни, КПСС янги Программасини амалга оширишда ўз қаҳрамон халқининг жони-танига пайванд бўлган шонли интеллигенциямизнинг роли ғоят каттадир.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда халқ орасидан чиққан, коммунизм ишига чексиз содиқ бўлган кўп сонли интеллигенция ўсиб етишди. Бизнинг республикамизда ўн мингдан ошиқ илмий ходим, 19 минг саноат инженери ва техниги, қарийб 20 минг қишлоқ хўжалиги мутахассиси, 94 мингга яқин ўқитувчи, 11 мингдан ошиқ врач ва бошқа кўпгина ақлий меҳнат ходимлари самарали ишламоқдалар.

Бу — ғоят катта кучдир, бу куч мамлакатимизда коммунизм қуришнинг улуғвор планларини амалга оширишга катта ҳисса қўша олади ва қўшиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарорига мувофиқ чақирилган бу съезд республика интеллигенциясининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихий XXII съезди қарорларидан келиб чиқадиган конкрет вазифаларини белгилаб бермоғи лозим.

ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ КОММУНИЗМНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ЯРАТИШ УЧУН КУРАШДА

КПССнинг янги Программасида партия ва совет халқининг яқин йигирма йил ичидаги асосий иқтисодий вазифаси коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдан иборатдир, деб таъкидланади.

Бу вазифа партиямизнинг янги Программасида конкрет рақамлар билан ифодаланган бўлиб, бу рақамлар совет экономикаси ва маданияти барча тармоқларининг ривожланишини кўрсатади. Бу рақамларнинг ҳар бири коммунизмнинг голибона қўшиғидек жаранглайди.

КПСС Программаси қоидаларига тўла мувофиқ равишда совет Ўзбекистони экономикаси ва маданияти ривожланишининг асосий перспективаси белгилаб берилган. Бу шиддат билан шундай юксакликларга парвоз қилишдан иборат бўладики, бундан киши ҳайратда қолади.

Кекса ёшдаги кишилар Ўзбекистонда ўтмиш замонларда ҳатто керосин билан ёқиладиган лампа ҳам зеб-зийнат буюми бўлганлигини ва ундан фақат бойларгина фойдалана олганликларини эслайдилар. Совет ҳокимияти йилларида республикамизда ўнларча электростанцияларнинг чироқлари ёнди. 1960 йилда Ўзбекистонда 1913 йилда бутун чор Россиясида ишлаб чиқарилганидан қарийб уч марта кўп электр қуввати хосил қилинди. Бу суратлар ҳақиқатан ҳам ақл бовар қилмайдиган даражада тездир! Эндиликда биз ўз олдимизга янада каттароқ вазифаларни қўйиш имкониятига эгамиз. Келгуси йигирма йил ичида бизда электр энергия ишлаб чиқариш 17,5 марта ўсмоғи ва 102 миллиард киловатт соатни ташкил этмоғи лозим.

Бухоро-Хева районида топилган табиий газнинг жуда ажойиб конларини қазиш ва ишлаш муносабати билан бизнинг олдимизда қандай кенг имкониятлар очилмоқда! Ер остининг хазиналари янги дунё қураётган кишилар олдида ўз бойликларини очиб берди. Қисқа муддат ичида «зангори ёнилиғи» Тошкенттагина эмас, ҳатто Қозоғистон шаҳарларига ҳам бориб етди. Индустриал Урал томонига юзлаб километр газ қувурлари ётқизилди. Текшириб аниқланган ва тахмин қилинаётган табиий газ запасларига қараганда республикамизда газ ишлаб чиқаришни 1960 йилдан 1980 йилгача қарийб 170 марта кўпайтириш ва уни йилига 75 миллиард кубометрга етказиш белгиланди.

Ўзбекистоннинг рангли металлургияси тобора куч-қувват йиғмоқда, ҳар томонлама ўсмоқда. «Мис тоғининг хўжайинлари» ундан янгидан-янги бойликлар чиқариб олмоқдалар. Келгуси 20 йил ичида Ўзбекистон бир қанча рангли металлар ишлаб чиқариш юзасидан Совет Иттифоқида етакчи ўринлардан бирига чиқиб олади.

Партия ҳозирги замон химиясининг ютуқларидан халқ хўжалигининг барча тармоқларида фойдаланиш вазифасини қўймоқда. Ҳозирги замон химияси халқ бойлигининг ўсиш имкониятларини, янги, мукаммалроқ ва арзонроқ ишлаб чиқариш воситалари, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кўп даражада кенгайтиради. Йигирма йиллик ичида Ўзбекистон «катта химия» республикасига айланади. 1980 йилга бориб, химия саноатининг маҳсулоти бизда қарийб 70 марта ўсада. Азотли ўғитлар ва синтетик смолалар, пластмассалар ва химиявий толалар ишлаб чиқариш кенг ривожлантирилади.

Машинасозликни ривожлантириш халқ хўжалигини техника жиҳатидан қайтадан қуроллантириш учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда кўпдан-кўп машинасозлик корхоналари барпо этилди, улар республиканинг фахридир. Келгуси йигирма йиллик ичида республика машинасозлиги олга қараб янада катта қадам ташлайди — унинг маҳсулоти 12 марта кўпаяди.

Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам янада ривожлантирилади.

Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб келди, шундай бўлмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Ватанни тобора кўпроқ пахта билан таъминлашни биз ҳамиша ўзимизнинг энг биринчи интернационал бурчимиз деб ҳисоблаб келдик ва шундай деб ҳисоблаймиз. Асосий перспективада пахта етиштиришни 1980 йилда 7 миллион тоннага етказиш мўлжалланган. Пахтачилик билан бир қаторда республика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ривожланиб боради. Жўт ва каноп поялари етиштириш 1980 йилда 500 минг тоннага, пилла етиштириш 25 минг тоннадан зиёдроқ даражага етказилади, қорақўл тери етиштириш бирмунча ўсади.

Шоли етиштиришни шу давр ичида 9 марта, мева ва узум етиштиришни 17 марта, сабзавот, картошка ва полиз экинларини 6-7 марта кўпайтириш мўлжалланади. Биз бу қимматбаҳо маҳсулотлар билан республика аҳолисининг эҳтиёжини тўла-тўкис қондирибгина қолмасдан, шу билан бирга уларни кўп миқдорда мамлакатнинг Сибирь, Урал ва бошқа саноат марказларидаги меҳнаткашларга ҳам юборамиз. Бу — бизнинг энг муҳим интернационал бурчимиздир.

Чорвачиликни янада юксалтириш юзасидан катта тадбирлар белгиланди. 1980 йилга бориб, сўйилган вазнда гўшт 1958 йилдагига нисбатан 5 марта, сут 6 марта, парранда гўшти 9 марта кўп етиштирилади.

Етти йиллик инсоният бахт-саодатининг чўққиларига кўтарилиш учун шонли йўлимиздаги энг муҳим маррадир.

Етти йилликнинг уч йили орқада қолиб кетди. Буюк тарихий аҳамиятга эга бўлган зўр ҳаракатлар билан порлаган 1961 йил календарининг охирги варағини қайтарганимизга салкам бир ой бўлди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини бажаришга катта ҳисса қўшдилар. Республика саноати йиллик планни 103 процент бажарди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари юзасидан республика етти йилликнинг контроль рақамларидан олдинда бормоқда.

Ўзбекистон пахтакорлари сув танқислиги натижасида юз берган қийинчиликларни енгиб, давлатга 3 миллион 600 тонна пахта сотдилар, бу эса 1960 йилдагига қараганда 177 минг тонна кўпдир. Шуни айтиб ўтмоқ керакки, пахтачиликнинг бутун тарихида республика иккинчи марта бундай миқдорда «оқ олтин» берди. Пахта ҳосилдорлигини оғишмай ошириш йўлидан дадил бораётган Хоразм области меҳнаткашларининг муваффақиятлари бизни қувонтирмоқда. Ўтган йилда Хоразм областининг меҳнаткашлари ўрта ҳисоб билан гектаридан 29 центнердан пахта олдилар ва ўз социалистик мажбуриятларини муваффақият билан бажариб, давлатга 290 минг тонна «оқ олтин» сотдилар, бу эса планга нисбатан 115 процентни ташкил этади. Орденли Самарқанд областининг меҳнаткашлари ўтган йилда пахта тайёрлаш давлат планини шараф билан бажардилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Хоразм ва Самарқанд областларининг меҳнаткашларига юборган табрик хатларини Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари хурсандлик ва фахр билан қабул қилдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

Доклад қисқартирилган стенограмма бўйича босилмоқда.

Сурия бош министрига табрик

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Сурия Араб Республикаси бош министри Маъруф Давалибига унинг бош министр вазифасини бажаришга киришганлиги муносабати билан табриклар йўллади.

Н. С. Хрушчев, СССР билан Сурия ўртасида ҳар иккала халқ манфаатларига ҳамиша мос бўлиб келган дўстона муносабатлар бундан буён ҳам ривожланади ва мустаҳкамланади, деб умид билдирди.

Маъруф Давалиби жаноблари ўзининг жавоб телеграммасида табриклар учун Н. С. Хрушчевга ташаккур изҳор қилди ҳамда совет халқига равнақ тилаб, энг яхши тилаклар билдирди. (ТАСС).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ V СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, 1962 йил 29 январда область Советининг VIII чақириқ бешинчи сессияси чақирилади.

Сессия эрталаб соат 11 да Ўзбекистон давлат эстрада театри биносида (Навоий кўчаси № 55) очилади.

Депутатлар 29 январь куни шу ернинг ўзида эрталаб соат 10 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

МОСКВА, 24 январь. (ТАСС). СССР журналистлар союзи правлениеси секретариатининг бугун бўлиб ўтган мажлисида ижодий комиссиялар фаолияти якунланди. Жумладан, ишчи ва қишлоқ мухбирлари билан ишлаш ва қўйи матбуот комиссиясининг, қишлоқ хўжалик темаларида ёзувчи журналистлар секциясининг ва бошқа секцияларнинг ҳисоботлари тингланди. Уларнинг бу йилга мўлжалланган планлари тасдиқланди.

Секретариат СССР журналистлар союзининг 1962 йилга мўлжалланган халқаро алоқаларининг календарь планини ҳам муҳокама қилди. Планда совет ва чет эл журналистлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш кўзда тутилади.

Секретариатда бошқа бир қанча масалалар ҳам ҳал қилинди.

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ докладининг охири

(Боши 1, 2, 3-бетларда)

Партия ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва ўқитишга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Партия ёшларни коммунистик жамият қуриш учун курашда яратувчи, ижод қилувчи куч деб билмоқда ҳамда ҳар тарафлама камол топган, коммунизм даврида яшайдиган, ишлайдиган ва жамоат ишларини бошқарадиган кишилар авлодини тайёрлаб етиштириш йўлида ҳамма чораларни кўрмоқда.

Бу соҳада совет мактаби, халқ маорифи ходимларининг роли муҳимдир.

Ўқитувчиларнинг кўпмингкишилик армияси, педагогика фани ходимлари, мактаблар ва халқ маорифи органларининг раҳбарлари партия кўрсатмаларини бажариб, мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги Қонунни амалга ошириб, республика партия ташкилотлари раҳбарлигида ишда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Ҳозирги вақтда етти йиллик мактабларни ҳамда бошланғич мактабларнинг бир қисмини саккиз йиллик мактабларга айлантириш ишлари тугалланди, бу мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш соҳасида катта иш қилинди. Ўн йиллик мактабларни ишлаб чиқариш таълими берадиган мактабларга айлантириб, қайта ташкил қилиш муваффақиятли суратда ўтказилмоқда. Мактаб-интернатлар тармоғи тез ривожланмоқда. Ҳозир бизда юздан ортиқ мактаб-интернат бўлиб, уларда 30 мингга яқин бола ўқимоқда ва тарбияланмоқда. Кўпи узайтирилган мактаблар ва группалар ташкил қилиш соҳасида кўп ишлар амалга оширилди. Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларининг сони йилдан-йилга кўпаймоқда, ёш ишчилар ва колхозчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда бу мактабларда ўқиб, саккиз йиллик ва ўрта маълумот олмоқдалар.

Ўзбекистон партия ташкилоти раҳбарлигида мактабларда машғулотларни бир сменага кўчириш соҳасида жуда катта ғалаба қўлга киритилди. Ҳозир энг яқин фурсатда ҳамма мактабларда машғулотларни фақат бир сменага ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Лекин эътироф этиш керакки, кўпгина мактабларимизнинг иши ҳозирги замон талаблари даражасида эмас, партия XXII съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга жавоб бермайди.

Айрим фанларни ўқитиш паст савияда олиб борилаётганлиги, бунинг оқибатида ўқувчилар фанларни яхши ўзлаштиролмаётганлиги, бир синфда икки йил қолдаётган ўқувчиларнинг сони кўплиги — энг катта камчиликдир. Мактаблар ишидаги камчиликларни қатъият билан тугатиш, дарслар сифатини бутун чоралар билан яхшилаш, таълимнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Ёш авлоднинг ҳаммаси совет мактабидан ўтади. Совет мактаби ёш авлоднинг онгига оламни илмий тарзда идрок қилиш негизларини синдирмоғи, унда табиатга, жамиятга, инсон тафаккурига коммунистик асосда қараш хислатини ҳосил қилмоғи, уни коммунизм қурувчиси ахлоқ кодексининг одоб принциплари руҳида тарбияламоғи керак. Бу ўринда эса совет интеллигенциясининг энг кўп сонли отряди бўлган педагогларнинг роли ниҳоятда буюкдир. Республикамизда тошкентлик Тожихон Тешабоевна Абдуллаева, Екатерина Филипповна Ермолаева, Оқилхон Шарофиддинов, чирчиқлик Елизавета Андреевна Скороходова, самарқандлик Рахмонберди Авезович Авезов, андижонлик Фарида Қосимовна Қосимова, Фарғона область Фрунзе районлик Мақсуда Қосимовна Қосимова ва бошқа кўпгина ажойиб ўқитувчилар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар тақлид қилса арзийдиган кишилардир.

Н. С. Хрушчев халқ ўқитувчисига ёшларнинг устози деб ном берди. Халқ ўқитувчиси ўқувчиларга янги кишининг юксак фазилатларини қатъият билан сингдириши, уларда коммунистик эътиқодларни шакллантириши лозим.

Зиммасига юксак бурч ва ғоят масъулиятли иш топширилган ўқитувчиларимизнинг порлоқ хизмати умр бўйи ёдимиздан кўтарилмайди. Ўқитувчиларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилиш, уларнинг маънавий юксалишида, назарий билимлари ва педагогик маҳоратини оширишда ёрдам бериш, уларнинг нормал ҳаёт кечириши ва самарали ишлаши учун ҳамма шарт-шароитни вужудга келтириш бизнинг шонли шараф ишимиздир.

Педагогика маданияти университетлари, ота ва оналар мактаблари мактабнинг оила билан иш олиб боришдаги ранг-баранг формалари орасида муҳим роль ўйнайди. Бу университетлар ва мактаблар оилага педагогик билимларни олиб киради, ота-оналарни ўз фарзандларини тўғри тарбиялашга ўргатади. Тошкентда жамоатчилик асосларида ишлайдиган Ўзбекистонда биринчи педагогика маданияти университети ташкил қилинди. Малакали кучлар мавжуд бўлган ҳамма жойда шу хилдаги университетлар ташкил қилиш зарур.

Умумий таълим мактабларининг кўпчилиги машғулотларни бир сменада ўтказишга кўчирилганлиги муносабати билан болалар ўртасида синфдан ташқари ишларни мактаб биноларида олиб боришни кучайтириш имкониятлари кенгайди. Мактаб биноларида ҳам ота-оналар учун педагогика маданияти университетларини ташкил қилиш ва бошқа тадбирлар ўтказиб туриш фойдалидир. Бунинг учун халқ маорифи органлари ва касаба союз ташкилотларида маданий-оқартув ишлари учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш керак.

Партиямиз саккиз йиллик умумий таълимни амалга оширишга ва ўрта таълимни ривожлантиришга ҳаракат қилар экан, олий таълимнинг ҳамма формаларидан меҳнаткашлар тўлароқ фойдалана олишларини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Партия ва ҳукуматнинг доимий ғамхўрлиги туфайли бу соҳада республикада катта ютуқларга эришилди. Ҳозирги вақтда республикамиздаги 29 олий ўқув юртида 114 мингга яқин студент таълим олмоқда. Олий ўқув юртларида бир юз ўттиз уч мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кадрлар тайёрлаш анча кенгайди. Ҳозир олий ўқув юртларида ўқиётган студентларнинг эллик процентдан кўпроғи сиртқи ва кечки таълим системасида билим олмоқда.

Ўқитишнинг унумли меҳнат билан тобора мустаҳкамланаётган алоқаси ижобий натижалар бермоқда. Масалан, Тошкент политехника институтида бир минг икки юздан кўпроқ студент бир-икки касбни ўрганиб, малака ҳосил қилди. Тошкент қишлоқ хўжалик институтида студентлар трактордалачилик бригадалари ишлаб турибди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ер тузиш факультети учинчи ва тўртинчи курс студентлари Бухоро областининг тўққиз колхозида ва Сурхондарё областининг етти колхозида хўжаликнинг ички ер тузилишини ишлаб чиқдилар.

Шу билан бир вақтда олий ўқув юртларимизда ишлаб чиқариш таълими ва студентларнинг мустақил иши устидан етарли контроль қилинмаётганлиги айтиб ўтиш керак. Айрим ўқитувчилар лекция ва семинар машғулотларини паст ғоявий-назарий савияда ўтказаётганликлари фактлари ҳам содир бўлмоқда. Ижтимоий фанларни ўқитишда шахсга сиғиниш даври вужудга келтирган қироатхонлик ва догматизм секинлик билан бартараф қилинмоқда.

Бир қатор олий ўқув юртларида студент-ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар юзаки, кўпинча расмият учунгина олиб борилади. Кўпгина профессорлар ва ўқитувчилар студентларни тарбиялаш ишидан четда турмоқдалар.

Биз олий ўқув юртларида ўқитиш ва сиёсий-тарбиявий ишларни тубдан яхшилашимиз, уни партия XXII съезди қарорлари ва КПСС янги Программаси талаблари асосида қайта қуришимиз лозим. Ўқитиш ва сиёсий-тарбиявий ишларнинг барча формалари студентларда коммунистик ахлоқни шакллантириш, коммунизм қурувчиси ахлоқ кодексида белгиланган маънавий сифатларни уларга сингдириш, юқори малакали, партия ва халқ ишига содиқ мутахассислар тайёрлаш вазифаларига бўйсундирилиши лозим.

Бундан буён олий таълим партия янги Программасига мувофиқ асосан кечки ва сиртқи таълим йўлидан ривожлантирилади. Шунинг учун ҳам сиртдан ўқувчиларнинг билим олишлари учун нормал шароит вужудга келтириш тўғрисида етарли ғамхўрлик кўрсатиш, уларга лозим бўлган имтиёзларни бериш, уларни ўқув-методик адабиёт билан таъминлаш, ўқув процессини яхши ташкил этиш лозим.

Олий ўқув юртлари учун илмий кадрлар, айниқса фан докторлари тайёрлашдаги қолоқликни бартараф қилиш керак.

Коммунизм кишисини тарбиялашда совет адабиёти ва санъатининг роли каттадир.

Ижодий ташкилотларимизнинг сўнгги йиллардаги фаолиятига баҳо берар эканмиз, уларнинг иши умуман самарали бўлди деб қониқиш билан айта оламиз. Республика адабиёт ва санъат арбобларининг меҳнати яхши натижалар берди. Москва декадасидан сўнг ёзувчиларимиз, шоирларимиз ва драматургларимиз қизиқарли асарлар яратдилар. Асқад Мухторнинг «Туғилиш» романи, Ҳамид Ғуломнинг «Машъал» романининг иккинчи китоби, Александр Удловнинг «Ёдингдами, ўртоқ» романи вужудга келди, Сергей Бородиннинг «Самарқанд осмонидаги юлдузлар» асарининг учинчи китоби тугалланмоқда. Ойбекнинг «Болалик» повести, Иброҳим Раҳимнинг «Оловкор», Назир Сафаровнинг «Узоқни кўзлаган қиз», Одил Ёқубовнинг «Муқаддас» повестлари, «Улуғ сафар», «Орзули ҳаёт» очерк ва ҳикоялар тўпламлари, Уйғунининг «Шубҳа», Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», Иззат Султоновнинг «Имон», Баҳром Раҳмоновнинг «Қилмиш—қидирмиш», Рамз Бобожоннинг «Тоға ва жиянлар» пьесалари яратилди. Ғафур Ғулом, Миртемир, Мамарасул Бобоев, Шукрулло, Раҳмат Файзий, Примқул Қодиров, Зулфия, З. Фатхуллин, Мирмуҳсин, С. Зуннунова ва бошқа адиблар ҳам яхши асарлар яратдилар.

Республика музика санъати Собир Бобоевнинг «Ҳамза» ва Мухтор Ашрафийнинг «Шоирнинг қалби» опералари, Г. Мушелнинг «Кашмир афсонаси» балети, С. Юдаковнинг «Ленин ҳақида поэма», А. Берлиннинг «Ёшлар увертюраси», Ғ. Қодировнинг «Колхозда байрам», В. Мейеннинг «Пахта байрами», А. Муҳамедовнинг «Ўзбекистон» марши, Пак Ен Диннинг «Иккинчи сюита»си, Ҳ. Изомовнинг «Ўзбекистон пахтаси» каби симфоник асарлар билан бойиди.

Бутуниттифоқ ва республика бадиий виставкаларида тасвирий санъат арбобларимизнинг кўплаб асарлари кўпчиликка манзур бўлди. Булар орасида Ў. Тансиқбоевнинг «Мирзачўлда», «Хўжакент ёнидаги Чирчиқ» ва «Газ қувури трассасида», Р. Аҳмедовнинг «Механизатор портрети», Ю. Елизаровнинг «Ижодий ҳамкорлик», З. Иногомовнинг «Чойхоначи», В. Уфимцевнинг «Мангулик», А. Ошейко ва Д. Синицкийнинг «Оҳангарон шахтёрлари», И. Икромовнинг «Алишер Навоий лирикаси» тўрт томлик китобига чизган расмлари ва бошқа асарлар бор.

Ҳамза номидаги Академик драма театри, Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет театри, М. Горький номидаги рус драма театри, Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театри, Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри ва бошқа театрлар кўпгина қизиқарли спектакллар яратдилар.

Киностудияларимиз томонидан яратилган «Зангори олов кишилари», «Ҳамза», «Синчалак», «Олисларга йўл», «Мирзачўл», «Любовь, Роза, Абдулла», «Гуллаган ҳаёт» ва бошқа фильмлар ижобий баҳо олди.

Буларнинг ҳаммаси Совет Ўзбекистони ижодий интеллигенцияси ажойиб ўсганлигининг далилидир.

Биз ёзувчиларимиз, рассомларимиз, композиторларимиз, театр ва кино арбобларимиз муваффақиятлари билан фахрланамиз. Биз Ўзбекистон адабиёти ва санъатига янги, ёш кучлар қўшилаётганлигидан қувонамиз. Ижодий интеллигенциямиз замонавий темаларда тобора кўпроқ асарлар яратаётганлигидан қувонамиз. Ўзбекистон адабиёти ва санъати социалистик реализм асосида ўсаётганлиги ва ривожланаётганлигидан қувонамиз. СССР халқлари қардош маданиятлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, ўзаро қўшилув ва бир-бирини бойитиш тобора мустаҳкамланаётганлиги билан бажаримиз.

Шу билан бир вақтда адабиётимиз, санъатимиз ўсиб бораётган талабларга, дидли китобхонлар ва томошабинларнинг талабларига жавоб бера олмаётганлигини кўрмай иложимиз йўқ. Совет ёзувчи, совет кишиларининг фикр-туйғулари ва ишлари республика ёзувчиларининг ва санъат арбобларининг ижодида акс эттирилаётганига нисбатан бой ва кўп қирралидир.

Бизда ҳали ҳам айрим шундай ёзувчилар ва санъат ходимлари борки, улар халқ олдидаги ўз бурчини яхши тушунмаётирлар, ҳаётнинг марказий йўлидан бормаётирлар, балки унинг чети ва пастқамликларида адашиб юрибдилар. Маълумки, замонавийлик совет адабиёти ва санъатининг қалбидир. Лекин айрим адабиётчилар замонамизни тўлақонли акс эттириш ўрнига, кўп ҳолларда ғоявий бўш, композицион жиҳатдан қовушмайдиган ҳом ва зерикарли асарлар яратмоқдалар. Журналларимиз адибларнинг асарларига талабчанлик билан муносабатда бўлмаётирлар ва ғоявий пишиқ бўлмаган ва бадиий жиҳатдан жуда бўш асарларни босиб чиқармоқдалар.

Шундай фактлар ҳам мавжудки, айрим ёзувчилар ҳаётимиздаги баъзи камчиликларни, вақтинча қийинчиликларни олиб, уларни бақиёс даражада бўрттирмоқдалар ва шундай хулосалар чиқармоқдаларки, бу билан аслида совет воқелигини бузиб кўрсатмоқдалар. ҳаётимизга туҳмат қилмоқдалар. Бу ҳақда уларга айтсангиз, ҳақиқатни бузиб кўрсатмаганликлари, ўзлари ёзган камчиликлар юз бергани ҳақида гапирадилар.

Ахир гап ёзувчи камчиликларни очиб беришида эмас, балки ана шу камчиликларни тасвирлашида, улардан чиқарган хулосасидадир. Бутун гап ёзувчининг ғоявийлигги, унинг ҳаётий позицияси, ҳаётдаги асосий, ҳал қилувчи масалани кўра билиши, ижобий ва салбий нарсаларнинг реал нисбатини тушуна билиши, янгилик куртакларини кўра билиши ва уни кўрсата олишидадир.

Адабий танқидчилигимиз шаънига жиддий таналар айтишга тўғри келади. Адабий танқид адабиёт тараққиётини асосий йўлга етарли равишда солмаётир, сўз усталари тажрибасини чукур умумлаштирмаяпти, янги адабий воқеликларга фикрини ўз вақтида баён қилмаётир.

Адабий танқидчи яхши, фойдали китобнинг оташин пропагандисти, талабчан заршуноси бўлиши лозим. У ёки бу асарни таҳлил қилганда, танқидчи ёзувчига ёқиши ёки ёқмаслигига қарамай, ҳақиқатни айтиши керак. Халқимизнинг «Дўст ачитиб, душман кулдириб гапиради» деган мақоли бор. Ўзаро ғамхўрлик, сезгирлик, диққат-эътибор ва шу билан бир вақтда ҳар бир кишининг ижодига қатъий принципиаллик билан муносабатда бўлиш — бадиий ижод билан шуғулланувчи интеллигенция ўртасидаги муҳит ана шундай бўлиши керак. Ижодий союзларимизда группабозлик, бузуқчилик ва ҳар қандай носоғлом кайфиятга хотима берувчи, ижодий ходимларнинг кучини жипслаштиришга ёрдам берувчи ҳақиқий яратувчилик вазияти ҳукмрон бўлиши лозим.

Адабиёт ва санъатни ривожлантиришда биз улуг Ленининг доно кўрсатмаларига амал қилишимиз керак. В. И. Ленин шундай деган эди: Санъат халқниқидир. У ўзининг чуқур илдизлари билан кенг меҳнаткашлар оммасининг ич-ичига кириб бориши керак. Санъат шу меҳнаткашлар оммасига тушунарли ва улар учун сезимли бўлиши лозим. У шу оммаининг сезгисини, фикрини ва иродасини бирлаштириши ҳамда уни юқори кўтариши керак.

КПСС янги Программасида В. И. Ленининг ана шу кўрсатмаларига амал қилинган ҳолда бадиий ижодиётнинг асосий вазифалари чуқур ва аниқ ифодалаб берилган. Программада адабиёт ва санъат тараққиётининг асосий йўли — халқ ҳаёти билан алоқани мустаҳкамлашдан, бой ва кўп қиррали социалистик воқеликни ҳаққоний ва юксак бадиий маҳорат билан акс эттиришдан, янги, ҳақиқий коммунистик куртакларни зўр илҳом билан ёркин тасвирлашдан ҳамда олга боришимизга тўсқинлик қилаётган барча нарсаларни фош қилиб ташлашдан иборат эканлиги таъкидланган.

Барча ёзувчиларимиз, шоирларимиз, драматургларимиз, композиторларимиз, тасвирий санъат, театр ва кино арбобларимиз шу ҳақиқатни яхши англаб олишлари керакки, санъаткорнинг халқ билан, Коммунистик партиянинг сиёсати ва амалий яратувчилик фаолияти билан яқиндан, узлуксиз алоқасигина уни ҳозирги кунларда шакллананётган коммунистик маданият даражасига кўтара олади.

Шубҳа йўқки, маданий-оқартув муассасалари ва халқ маорифи ходимлари, журналистлар ва ёзувчилар, композиторлар ва рассомлар, театр ва кино арбоблари — бизнинг бутун ижодий интеллигенциямиз ўзининг бутун талантини, ўз қалбининг бутун ҳароратини янги кишини—коммунизм кишисини тарбиялаш каби олижаноб ишга сарфлайди, партия XXII съезди томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун куч ва ғайратини аямайди.

ХАЛҚЛАРНИНГ БУЗИЛМАС ДЎСТЛИГИНИ АСРАЙЛИК ВА МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Партия XXII съезди қабул қилган КПСС Программасида, дейди докладчи сўзини давом эттириб, кенг авж олдирилган коммунистик қурилиш СССР да миллий муносабатларнинг ривожланишида янги босқич бўлиб, бу босқич миллатларнинг янада яқинлашуви ва уларнинг тўла бирлигига эришиш билан характерланади деб равшан ва ишонарли қилиб кўрсатилган.

Улуғ Ленин ёзган эдики, инсоннят тарихида мисли кўрилмагай энг илғор ва прогрессив партия—Коммунистик партия ўз олдига коммунизмнинг тўла ғалабасини таъминлашни мақсад қилиб қўйиб, барча миллат меҳнаткашларининг эркин қардошлик иттифоқи асосида «миллатларнинг бир-бирига яқинлашувига ва тобора бир-бирига қўшилувига ҳаракат қилади».

Н. С. Хрушчевнинг «Коммунистлар миллий тафовутларни сақлаб ўтирмайдилар ва абадийлаштирмайдилар. Биз коммунистик қурилиш шароитида ихтиёрийлик ва демократизм асосида миллатлар ва элатларнинг бир-бирига тобора яқинлашувидан иборат объектив процессни қувватлаймиз» деган сўзлари Ленин руҳи, Ленин ғояси билан суғорилгандир.

Партия миллий сиёсатининг бутун моҳияти ана шу сўзларда мужассамланган, миллий масаладаги фаолиятимизнинг программаси ана шу сўзларда ифодаланган.

Ленин, партия барча миллатларнинг ҳақиқий тенглигига эришишдек улуғвор вазифани даставвал, илгари қолоқ бўлган ўлкаларнинг экономикасини бутун мамлакат экономикасининг ўртача ўсиш даражасидан тезроқ суръатларда ўстириш йўли билан ҳал қилиб келди. Бунда ишлаб чиқариш кучларининг планли асосда социалистик жойлаштирилганлиги, миллий республикалар, областлар ва районлар территориясида қудратли саноатнинг вужудга келтирилганлиги, СССР халқларининг ўзаро ёрдами ва даставвал улуғ рус халқининг ёрдами ғоят муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган сари бу процесс янада чуқурлашади, янги хусусиятларга эга бўлади. КПСС Программаси социалистик меҳнат тақсимотини такомиллаштириш, барча республикаларнинг меҳнат ғайратларини янада мустаҳкамроқ бирлаштириш ва мувофиқлаштириш вазифасини илгари сурди.

Шунинг учун ҳам, айниқса, суғориш, энергетика системаларини туташтириш ва транспорт соҳаларида республикалараро хўжалик органларини тузиш, шунингдек СССР халқларининг ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда қиладиган ҳаракати ва ўртоқларча ўзаро ёрдамини ҳар томонлама кучайтириш табиий ва зарур вазифадир.

Ҳаётнинг ўзи буни кўп мисоллар билан исботлаб турибди. Мамлакатимиз халқлари биргаликда йирик электростанциялар ва ирригация иншоотларини, бир неча иттифоқчи республикалар эҳтиёжларига хизмат қиладиган йўлларни қурмоқдалар.

Яқинда ташкил этилган Ўрта Осиё иқтисодий районини координациялаш ва планлаштириш Совети республикаларо иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга, Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий ривожлантиришни яхшироқ координациялашга, улар ўртасидаги қардошларча дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда, социалистик миллатларнинг бундан буён янада яқинлашувида Ўзбекистон, Белоруссия ва Иваново области Халқ хўжалиги кенгашлари саноат корхоналари меҳнаткашларининг, шунингдек, иттифоқчи республикалар пахтакорларининг традиция бўлиб қолган социалистик мусобақаси катта роль ўйнайди. Бу ажойиб мусобақа жараёнида қардошларча ўзаро ёрдам кучаймоқда, тўпланган тажриба оммалаштирилмоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришда ўз зиммаларига пахта ва бошқа техника экинлари етиштиришни ҳар тарафлама кўпайтириш каби шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилганлиги билан фахрланадилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош республикаларнинг пахта далаларида, Москва, Иваново ва бошқа шаҳарлардаги корхоналарда республикамизда яратилган ажойиб машиналар ишлатилаётганлиги билан фахрланадилар. Ўзбекистонда радиотехника ва электротехника саноати маҳсулотлари, киноаппаратлар, химия, кабель ва бошқа маҳсулотлар СССРнинг ҳамма томонларига ва халқ демократияси мамлакатларига юборилмоқда.

Ўтмишда чор империясининг қашшоқ ва қолоқ чекка ўлкаси бўлган Ўзбекистоннинг гуллаётган социалистик республикага айланиши учун қирқ йилдан сал кўпроқ вақт керак бўлди, холос. Шу вақт ичида Ўзбекистон пойтахти ва маданиятнинг йирик марказига айланди, эндиликда барча мамлакатларнинг олимлари ва сиёсий арбоблари бу ерда ўтказилаётган конгрессларга келмоқдалар.

Бундай мўъжизани жонажон ленинчи партиямиз раҳбарлик қилаётган Совет ҳокимиятигина, халқ ҳокимиятигина яратолди. Яқинда биз тарихий кунларни — Ўзбекистон ССР ташкил этилганлигининг қирқ йиллигини ва Туркистоннинг Россияга қўшилганлигининг юз йиллигини нишонладик. Ўзбекистон халқлари шуни яхши тушунадилар ва биладиларки, улар бундан юз йил аввал улуғ рус халқи, баҳодир халқ билан қардошларча мустаҳкам алоқа боғладилар, ўзбек халқи шонли ленинчи партия раҳбарлигида 1917 йил Октябрь социалистик революцияси натижасида эркин ҳаёт кечириш бахтига муяссар бўлди, ижодий яратувчилик бахтига эришди, шунинг учун ҳам улар ўз миллий давлатининг қирқ йиллигини байрам қилади.

Ватанимизнинг барча халқлари тақдирида рус халқининг мавқеи шундайки, инсоннят тарихида бирор халқ ҳам бундай мавқеи эгаллаган эмас. Рус халқининг ёркин ақл-идроки ва саҳий қалби туфайли, унинг барча меҳнат аҳлининг бахт-саодат йўлида матонати ва ўзини қурбон қилишга тайёрлиги туфайли мамлакатимиз халқлари куч-қудратга эга бўлиб, мустақил тараққиётнинг кенг йўлига чиқиб олдилар ва ўз экономика ҳамда маданиятларини юксалтиришда ғоят буюк ғалабаларга эришдилар.

СССР халқларининг улуғ рус халқи раҳбарлигидаги дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги битмас-туганмас ҳаётбахш куч, кўпмиллатли Совет давлатининг бундан буён янада гуллаб-яшнашининг гаровидир. Ўзбек халқи бу дўстликни энг муқаддас, энг азиз билиб сақлайди ва унга ҳамма вақт ва ҳар ишда содиқ бўлиб қолади!

Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР халқларининг аҳил оиласида эришган барча ютуқлари, бахтли ҳозирги кунлари ва янада гўзалроқ истиқболи учун биз улуғ Лениндан, у тузган ва тарбиялаган шонли Коммунистик партиядан ҳамда унинг халқ бахт-саодати учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетидан абадий миннатдормиз.

Коммунизм экономикасини вужудга келтириш, деб давом этади докладчи, мамлакатимиз барча халқларининг умумий вазифасидир. Минглаб гектар янги қўриқ ерларни ўзлаштириш ва суғориш, гигант сув ва энергетика системаларини яратиш, минглаб километр газ қувурларини ётқизиш, космик фазони эгаллаш — бу ишларнинг ҳаммаси қар қандай ажралиб қолиш, маҳаллийчилик, миллий худбинлик билан келиша олмайди.

Маълумки, барча совет республикалари ўз состави жиҳатидан интернационал республикалардир. Масалан, бизнинг Ўзбекистонда ҳам юздан ортиқ миллатнинг вакиллари бир сафда туриб меҳнат қилмоқдалар ва яшамоқдалар. Ўларнинг ўзаро муносабати интернационал жипслик, дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик билан характерланади.

Бу кўпмиллатлилик коммунизм қурилиши даврида қонуний равишда кучаяди. Коммунистик қурилиш даврида буюк яратувчилик планларини амалга ошириш давомида республиканинг ичида кишиларнинг кўчиши юзага келибгина қолмай, балки бошқа республикалардан ҳам кўплаб аҳоли келаверади. Айниқса мамлакатнинг шарқий районларида экономиканинг жуда тез ривожланаётганлиги туфайли аҳолининг қайта жойлаштирилиши кучли равишда давом этмоқда.

Буларнинг ҳаммаси республика аҳолисининг интернационал составини кучайтиради. Шундай қилиб, бу ерда ҳам коммунизмнинг прогрессив қонунияти намоён бўлмоқда, миллий экономикани қуриш ва мустаҳкамлаш ҳар бир халқ ҳаётидаги интернационал факторларнинг кучайишига олиб келмоқда.

Шуниси муҳимки, СССР доирасида Иттифоқчи республикалар ўртасидаги чегаралар ўзининг илгариги аҳамиятини тобора йўқотмоқда. Мамлакатимизнинг ҳамма халқлари ўз маданиятига, ўз традицияларига, ўзларининг тарихий таркиб топган чегараларига эга. Бу табиий бир қолдиқ, модомики, ҳамма халқларимиз тенг ҳуқуқли экан, уларнинг ҳаёти ягона социалистик асосда қурилаётган экан, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари бир меёрда қондирилаётган экан, улар умумий ҳаётий манфаатлари жиҳатидан бир оилага бирлашиб ягона мақсад — коммунизмга бораётган экан, шунинг учун ҳам чегаралар ҳақидаги масала сира ҳам актуал масала бўлмай қолди ва бу масала, борган сари соф маъмурий характерга эга бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам бизда чегара тўғрисидаги у ёки бу масала дўстлик, қардошлик позициясида тўриб, иқтисодий ва маданий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигига қараб ҳал қилинади. Масалан, Қозоғистон Ўзбекистонга Бўстонлиқ районини, 1 миллион гектар ерни ихтиёрий равишда топширди, Ўзбекистон эса қардош тожик халқига Тожикистон ССРга ёндош бўлган 50 минг гектардан кўпроқ ерни топширди.

Бир республика территориясининг бир қисмини бошқа республика составига бериш каби дўстона иш фақат социализм шароитида, халқларнинг маънавий-сиёсий бирлиги ва самимий дўстлиги шароитида юз бериши мумкин.

Коммунистик қурилишнинг кенг қўлами ва коммунизм идеологиясининг янги ғалабалари, дейди сўнгра ўртоқ Ш. Р. Рашидов, СССР халқларининг мазмунан социалистик, шаклан миллий маданиятини бойитмоқда.

Совет республикаларининг маданий ҳаёти йилдан-йилга гуллаб-яшнамоқда. Бир халқнинг миллий маданияти эришган энг яхши ютуқлар барча халқларнинг мулки бўлиб қолмоқда. СССР халқларининг маданияти хазинаси миллий доирадан чиқиб, интернационал характерга эга бўлган янги ва янги ижодий зафарлар билан бойимоқда.

«Партия СССР халқлари маданиятининг социалистик мазмунини ривожлантиришга катта аҳамият бериб, — дейилади КПСС Программасида, — унинг бундан буён ҳам ўзаро бойиб, яқинлашиб боришига, унинг интернационал негизининг мустаҳкамланишига ва шу йўл билан коммунистик жамиятга хос ягона умуминсоний маданиятнинг вужудга келишига ёрдам беради».

Бу қонда жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, бизнинг маданий қурилиш соҳасидаги вазифаларимизни белгилаб беради.

Мазмун формага нисбатан ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Шунинг учун ҳам маданиятнинг социалистик интернационал мазмуни унинг миллий формасига тобора кўпроқ ва кучлироқ таъсир қилаётганлиги табиийдир.

«Миллий маданият формалари қотиб қолмайди, — деган эди Н. С. Хрушчев КПСС Программаси тўғрисида қилган докладида,— балки такомиллашиб боради; коммунистик қурилиш вазифаларига номувофиқ эскириб қолган формалар тушиб қолади, янги формалар юзага келади».

Социалистик маданиятнинг ривожланишидаги янги, прогрессив нарсаларни, барча социалистик миллатларни жипслаштирувчи, бирлаштирувчи ва коммунистик жамиятга хос бўлажак ягона умуминсоний маданиятнинг шаклланишига ёрдам берувчи янгиликларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бизнинг бурчимиздир.

Миллий маданиятларнинг бирбирига таъсири жараёни миллий тилларнинг муваффақиятли ривожланиши учун ҳам характердир. «Халқларнинг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ишончи шароитида, — дейилади КПСС Программасида, — миллий тиллар тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирини бойитиш асосида ривожланиб боради».

Барча миллатларнинг юксак, интернационал маданиятини яратиш социализм шароитида шу тарзда борадики, бойроқ маданиятга эга бўлган миллатлар бошқа миллат ва элатларга дўстона ёрдам берадилар.

Ана шунинг учун ҳам мамлакатимизда энг ривожланган рус тилининг бойлиги борган сари бошқа халқлар мулкига айланмоқда.

В. И. Ленин коммунистлар Россиядаги барча миллатлар ўртасида мумкин қадар яқин алоқа асосида қардошларча бирлик ўрнатишга интиладилар, улуғ рус тили эса ана шундай алоқа қуролидир, деб уқтирган эди. Демак биз ҳам, деб ёзган эди Ленин, Россиянинг ҳар бир кишиси улуғ рус тилини ўрганиш имкониятига эга бўлишига тарафдормиз.

Шу билан бирга Ленин барча миллатлар ички эҳтиёжлар туфайли рус тилини ихтиёрий равишда ўргана бошлайдилар деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда ҳам шундай бўлди ва бу ихтиёрийликда мамлакатимиз халқлари дўстона ҳамкорлигининг юқори даражаси намоён бўлмоқда, улар учун рус тили иккинчи она тили, миллатлараро алоқа воситаси бўлиб қолди.

КПСС Программасида социалистик миллатларнинг янада яқинлашуви ва улар орасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш жараёнини кучайтиришда рус тилининг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистон халқлари бой рус тилини — улуғ Ленин тилини, Пушкин ва Толстой, Павлов ва Горький тилини, ўзининг улуғ оғаси, ўзининг энг яқин дўсти тилини зўр муҳаббат билан ўрганмоқда ва бундан буён ҳам ўрганади.

Миллий анъаналар ва урф-одатларга муносабат масаласи катта принципиал аҳамиятга эгадир. Бу соҳада айрим ўртоқлар аниқ бир тасаввурга эга эмаслар.

Аввало, миллий традицияларнинг моҳиятини нималар ташкил этишини ва уларни қандай қилиб тўғри тушунишни аниқлаб олиш керак. Ўтмишдаги оғир ва ғамгуссага тўла ҳаётни миллий традиция деб атаб бўлмайди, албатта. Узоқ ўтмишнинг маросимларини, масалан, катта исрофгарчилик қилиб бир неча кун тўй бериш каби баъзи одатларни халқ одати, деб бўлмайди.

Бизда қарор топган прогрессив халқ традициялари оз эмас. Кексаларни ҳурмат қилиш, ўртоғига ёрдам бериш учун доим тайёр туриш, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, дўстга содиқлик, камтарлик ва бошқа кўпгина олижаноб хислатлар мана шундай прогрессив халқ традицияларидир. Биз уларни қўллаб-қувватлашимиз ва ривожлантиришимиз лозим.

КПСС Программасида партия халқларнинг прогрессив миллий традицияларини қўллаб-қувватлаб, янги, барча миллатлар учун ягона бўлган коммунизм қурувчиларнинг революцион традицияларини ҳар томонлама ривожлантиради, деб таъкидланади. Омма коммунистик руҳда қанчалик кенг, чуқур тарбияланса, совет халқларининг маънавий қиёфасида бу традициялар шунчалик кучли намоён бўлаверади. Бу традициялар прогрессив миллий традицияларга қарама-қарши қўйилмайди, балки улар билан мувофиқлаштирилади ва бунда жамиятимиз ҳаётидаги интернационал ва миллий традицияларнинг узвий бирлиги яна ифодасини топади.

Ҳозирги замон шароитида буржуазия миллатчилигининг рецидивларига қарши кураш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Миллатчилик сарқитлари — ўтмишнинг тезда йўқолиб кетмайдиган сарқитларидир ва улар одатда тобора нозикроқ ва ниқобланган формаларда майдонга чиқади.

Империалистик пропаганда буржуазия миллатчилиги рецидивларини атайлаб кучайтираётганлигини ва ундан